

Саудия Арабистони умра мавсумини муҳаррам ойидан бошлайди



05:49 / 05.09.2018 4363

Саудия Арабистонида умра мавсуми эрта бошланиши ҳақида хабар берилди. Бундан “Қироллик кўриниши 2030” лойиҳаси асосида умрачилар сонини ошириш мақсад қилинган.

Саудиянинг Уккоз газетаси берган маълумотга кўра, қиролликнинг Ҳаж ва умра вазирлиги умра мавсумини муҳаррам (ҳижрий биринчи ой) ойдан бошланишини эълон қилган. Бундан олдин ҳар йили умра сафар (ҳижрий иккинчи ой) ойдан бошланар эди.

Вазирлик янги мавсум учун Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда умрачиларга визалар беришни бошлаши ҳақида айтган.

Қироллик мазкур лойиҳа доирасида 2022 йилда умрачилар сонини 15 миллионга, 2030 йилда эса 30 миллионга чиқаришни режалаштирган.

Azon хабарига кўра, ўтган йили Саудия Арабистонига ташриф буюрувчи умрачилар сони 7 миллион кишига етган.

ЎМИ Матбуот хизмати